

**Nilufar BATIROVA,**  
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,  
Senior lecturer of the department Islamic economics  
and finance, pilgrimage tourism  
e-mail: n.batirova@iiau.uz

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

## ОСОБЕННОСТИ ПРОМЫШЛЕННОГО РАЗВИТИЯ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

## FEATURES OF INDUSTRIAL DEVELOPMENT OF THE TASHKENT REGION

**Калит сўзлар:** *худуд, саноат, инновация, минтақа, технопарк, юқори иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқариш, инновацион кластер.*

**Ключевые слова:** *Регион, промышленность, инновация, район, технопарк, высокий экономический рост, производство, инновационной кластер.*

**Keywords:** *Region, industry, innovation, town, technology park, high economic growth, production, innovation cluster*

**Кириш.** Замоनावий жаҳон иқтисодиёти фақатгина давлатлар ўртасида эмас, балки ҳудудлар ўртасида глобаллашув, интеграцияси ва рақобат курашининг чуқурлашуви билан ҳам характерланади. Ҳар бир давлатнинг иқтисодиёти самарали ривожланиши учун иқтисодиётнинг барча тармоқлари муваффақиятли фаолият юритиши лозим. Ривожланган саноат мажмуасига эга бўлган ҳудудларгина иқтисодий ўсишнинг юқори даражасига эришиши, бу билан аҳоли турмуш даражасининг ортишини таъминлаши мумкин. Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоғи сифатида бир томондан аҳоли истеъмол товарларини яратса, иккинчи томондан у иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайди. Демак, миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ривожига ҳам саноатнинг тараққиёт даражасига боғлиқ. Унинг ривожланиши давлатнинг мавқеини оширади, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилайдиган.

**Долзарблиги.** Саноат ривожланиши натижа-сида саноат тармоқларининг такомиллашиши рўй беради, макроиқтисодий барқарорлик таъминланади, озиқ-овқат, текстиль, кимё, металлургия, автомобилсозлик, электроника саноат тармоқларининг ривожланишига эришилади, иқтисодиёт тармоқлари орасида интеграциялашув кучаяди, тайёр маҳ-

сулотларни ишлаб чиқариш ошади, ижтимоий инфратузилма такомиллашади, фан-техника тараққиётининг юқори даражасига эришилади, рақобат кучаяди, миллий хўжалик жаҳон хўжалигига интеграциялашади, ижтимоий барқарорлик таъминланади, реал даромадлар ошади. Саноат мажмуасини рағбатлантириш асосида минтақани бошқариш тизимини яхшилаш ҳамда ривожлантириш ётади.

**Қўлланилган усуллар.** Тадқиқот давомида, статистик ва тизимли таҳлил усулларида фойдаланилди.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Ўрганилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, саноат мажмуасининг ривожланиши Англияда бошланган бўлиб, кейинчалик бутун дунёни қамраб олди. Қадим тарихга назар ташласак, «Архашастра»да ҳам давлат саноатни ривожлантиришга алоҳида ҳаражат қилгани таъкидланади [10; 18 б.]. Ксенофонт кишлок хўжалиги иқтисодиётнинг асосий тармоғи бўлгани учун деҳқончиликнинг пасайиши саноат фаолияти тармоқларига ҳам салбий таъсир қилади деб ҳисоблаган [7; 12 б.]. Феодал жамиятнинг намояндаси бўлган Т.Мор саноат тармоғи ривожланишининг бошланиши ҳамда саноат инқилоби бўлишининг асосий сабаби сифатида деҳқончилик қилинаётган ерларнинг тортиб олиниши, деҳқонлар синфи тугатилиб, кўчага ҳайдалиши деб ҳисоблаган [10; 48 б.]. Меркантилизм мактаби намояндаларидан бири бўлган М. Блауг фикрича, саноатни қўллаб-қувватлаш учун арзон хом ашёни импорт қилиш, импорт қилинаётган саноат тармоқлари учун протекционистик тарифларни қўйиш, тайёр маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш лозим бўлган. Минтақа саноатини ривожлантириш соҳасида илмий изланишлар олиб борган Глазьев С.Ю. [3; 205 б.], Гринберг Р.С. [12; 350 б.], Татаркин А.И. [16, 7] каби олимлар ўз изланишларида инновация минтақа саноат мажмуини интенсив ривожлантиришнинг бош омили эканлигини таъкидлашган. Бу йўналишда ривожланишга таъсир этувчи омилларни тизимлаштирувчи омиллар деб, уларни ташқи ва ички омилларга бўлишган.

Иқтисодий устунликлардан самарали фойдаланилмаган ҳолатда саноатнинг инновацион моделини ривожлантириш қийин. Минтақа саноат мажмуаси инновацион ривожланишининг устун томони саноатнинг илмий-техник даражасини ошириш, инновациядан технологик занжирни шакллантиришда фойдаланиш, ўзаро тармоқлар доирасида интеграцияни кучайтириш, саноат ва савдога ихтисослашувни чуқурлаштириш ҳамда саноат кластерларини шакллантириш ҳисобланади.

Демак, инновацион инфраструктурани шакллантиришнинг бир қанча турлари мавжуд. Бунда

Мақолада Тошкент вилояти саноати ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Бир минтақа доирасида саноат мажмуасининг ўрни таҳлил қилинган. Минтақа саноатини ривожлантириш бўйича бир неча олимларнинг назарий қарашлари берилган. Ушбу олимларнинг минтақа саноатини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллари ҳақидаги фикрлари бирма бир таҳлил қилинган. Минтақа ҳудудларининг иқтисодий имкониятлари, географик жойлашувининг турли-туманлиги саноат ишлаб чиқаришида маълум бир ҳудудларнинг яққол ажралиб чиқишига сабаб бўлиши баён этилган. Тошкент вилоятининг иқтисодий ва саноат салоҳияти баҳоланган. Шунингдек, минтақанинг иқтисодий салоҳияти бирма-бир таҳлил қилинган. Вилоят иқтисодиёт тармоқларининг республикадаги ўрни кўриб чиқилган. Туман ва шаҳарларнинг иқтисодий салоҳияти, молиявий ресурсларга эгалик, фан-техника тараққиёти ютуқларининг ҳаётга татбиқ этилиш даражаси ёритиб берилган. Минтақа саноатини инновацион ривожлантириш ҳамда самарали ишлаши учун давлат томонидан илмий соҳани тартибга солиш принципларини ўзгартириш лозимлиги таъкидланган. Жаҳон тажрибасида минтақа саноатини инновацион ривожланишини қўллаб-қувватловчи ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар мисол тариқасида келтирилган. Хулоса ўрнида минтақа ҳудудларида саноатнинг бир текис ривожланиши бўйича таклифлар берилган.

В статье описаны особенности промышленного развития Ташкентской области. В рамках одного региона было анализировано промышленный комплекс. Проанализированы взгляды теоретиков по региональному развитию. Обобщены взгляды ученых о факторах, влияющих на развитие промышленности региона. Проведена квалификация регионов по экономическому потенциалу и географическому положению. Был оценен экономический и промышленный потенциал Ташкентской области. Также анализирован экономический потенциал регион. Рассматривается роль регионального промышленного сектора экономики в стране. В нем описывается экономический потенциал районов и городов, наличие финансовых ресурсов и уровень развития научно-технического прогресса. В ней указывается необходимость изменения принципов государственного регулирования научной сферы для инновационного развития и эффективного функционирования промышленности региона. Изучен зарубежный опыт проведения организационно-экономических мер, поддерживающих инновационное развитие промышленности региона. В заключение представлены рекомендации по устойчивому развитию промышленности региона.

Регион, промышленность, инновация, район, технопарк, высокий экономический рост, производство, инновационный кластер.

The article describes the features of the industrial development of the Tashkent region. Within one region, an industrial complex was analyzed. Some views of theorists on regional development are given. The opinions of these scientists on the factors affecting the development of industry in the region are analyzed. The economic potential and geographical location of the regions can lead to a clear division of the individual territories in industrial production. The economic and industrial potential of the Tashkent region was evaluated. It also analyzes the economic potential of the region. The role of regional sectors of the economy in the country is considered. It describes the economic potential of districts and cities, the availability of financial resources and the level of development of scientific and technological progress. It indicates the need to change the principles of state regulation of the scientific sphere for innovative development and the effective functioning of the region's industry, foreign experience is an example of organizational and economic measures supporting the innovative development of the region's industry. In conclusion, recommendations on the sustainable development of industry in the region are presented.

саноат ишлаб чиқариши ва илм-фаннинг ўзаро интеграцияси натижаси бўлган илмий парклар, тадқиқот парклари, инкубаторлар, инновацион марказлар, техно-парклар, кластерлар шаклланиши бу йўналишдаги энг асосий қадамлардан ҳисобланади. Кўпгина ҳолларда ушбу объектлар йирик ҳудудий илмий-саноат мажмуасини ўзида акс эттириб, улар инновацион жараёнларнинг барча босқичларини қамраб олган бўлади (*Isadjanov A., 2018:20*). Илмий парк – фан ва саноатнинг интеграциялашган шакли бўлса, тадқиқот парки – саноат билан яқин алоқада бўлган нотижорат мақсадидаги тадқиқот институтлари жамланмаси ҳисобланади.

**Натижалар ва уларнинг таҳлили.** Саноат тармоғини етакчи тармоқлардан бирига айлантириш мураккаб ва узлуксиз жараён ҳисобланади. Дунёдаги кўпгина мамлакатларни у ёки бу даража-

да саноатлашган дейиш мумкин. Бирок, бирор бир мамлакатни «саноатлашган» деб ҳисоблаш учун иқтисодиётда, хусусан, ялпи ишлаб чиқариш ва ялпи миллий маҳсулотнинг таркибида саноат тармоғининг ҳиссаси юқори бўлиши, ишлаб чиқариш тармоқларининг барчасига илғор технологияларни қўллаш имконияти юзага келиши лозим. Саноат мажмуасининг муҳим хусусияти шундаки, унинг барча тармоқларида меҳнат воситалари ва истеъмол товарлари, миллий даромаднинг катта қисми яратилади, илмий-техника тараққиётига эришилади. Ўзбекистон иқтисодиётининг йирик тармоқларидан бири саноат ҳисобланади. Мамлакатнинг иқтисодиётда банд аҳолисининг 13,5 % исаноатда банд бўлиб, ушбу соҳа юздан ортиқ тармоқларга эга. Саноат тармоқларидаги 114,4% ли ўсиш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қиймати 228,9

трлн. сўмни ташкил этиши ҳам шундан далолат бермоқда. Ҳозирги кунга келиб, саноат тармоғида ялпи ички маҳсулотнинг 26,3 фоизи яратилмоқда [17; 68 б.]. Бу шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётининг ривожланиши натижасида мамлакат иқтисодиёти индустриаллашган иқтисодиёт сари ривожланмоқда. Ушбу жараёнлар мамлакат учун муҳим вилоятлардан бири ҳисобланган Тошкент вилоятида ҳам амалга оширилмоқда.

Минтақанинг юқори даражадаги иқтисодий салоҳияти ушбу ҳудудда яшовчи аҳолининг фаровонлигини таъминлашда бирламчи асос ҳисобланади. У ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига эришиш йўлидаги барча имкониятлар ҳамда воситалар йиғиндиси ҳисобланади (*Sadiqova R., 2018: 21*). Иқтисодий салоҳият миллий, минтақавий хўжалик тизимини ташкил этишда муҳим асос ҳисобланади. Иқтисодий салоҳиятнинг ҳажми ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлигини, мамлакатнинг рақобатбардошлигини, корхоналарнинг капиталлашув даражасини кўрсатади. У қуйидаги омилларни ривожлантириш ҳисобига амалга оширилади.


| Салоҳиятнинг тузилмавий элементи |                       |                        |
|----------------------------------|-----------------------|------------------------|
| Табиий ресурс салоҳияти          | Интеллектуал салоҳият | Инфратузилма салоҳияти |
| Инвестицион салоҳият             | Ижтимоий салоҳият     | Молиявий салоҳият      |
| Ташқи иқтисодий салоҳият         | Инновацион салоҳият   | Саноат салоҳияти       |

1-расм. Минтақанинг иқтисодий салоҳияти

Тадқиқот объекти бўлган Тошкент вилояти ўзининг географик жойлашувига кўра катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлиб, мамлакатнинг инновацион тараққиётида салмоқли ўрин эгаллайди. Тошкент вилоятининг алоҳида устун жиҳатлари бўлиб, ишлаб чиқариш омиллари ва табиий ресурслар ҳамда ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ва қўллаб-қувватловчи саноат тармоқларининг мавжудлигидир. Минтақавий нуқтаи назардан барқарор ривожланишнинг назарий ва амалий имконияти вилоятнинг барча саноат тармоқларини ривожлантириш ҳамда ўзаро минтақавий мутаносибликни тўғри йўлга қўйиш билан ҳал этилади. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишдан ташқари минтақадаги мутаносиблик ва динамик ўзгариш ҳам муҳим ҳисобланади. Ушбу вилоятнинг алоҳида жиҳати табиат-аҳоли-саноат йўналишида ривожлантириш имконияти мавжудлигидир.

Тошкент вилоятида аҳолининг юқори концентрацияси, магистрал йўлларнинг кесишмаси ҳамда тарихий ривожланиши уни республиканинг муҳим

саноат марказига айлантирди. Сўнгги йиллардаги қулай тадбиркорлик муҳити иқтисодиёт таркибида муҳим сифат ўзгаришларининг юз беришини таъминлади. Саноат тармоғида диверсификациялаш, модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича чора-тадбирларнинг қабул қилиниши ушбу тармоқни энг жадал ривожланаётган тармоқлардан бирига айлантирди. Мамлакатда содир бўлаётган таркибий ўзгаришларда Тошкент вилоятининг роли сезиларли даражада ошди. Вилоятнинг иқтисодий салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.



2-расм. Тошкент вилоятининг Республика саноати ишлаб чиқаришидаги ўрни (2018 йил) [22; 74 б.]

Вилоят иқтисодиёти асосини қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноати ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ташкил этади. Шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ҳам тез суръатларда ривожланиб бормоқда. Минтақада маҳаллий хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни техник модернизациялаш ва кенгайтириш ишлари амалга ошмоқда. Минтақада саноатнинг тез суръатларда ривожланиб бориши билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги ҳам муҳим аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланиб қолмоқда. Вилоятнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари, яъни ЯХМ, саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда инвестиция кўрсаткичларининг аҳоли жон бошига қиймати, ўтган даврга нисбатан ўзгариши республика кўрсаткичларидан юқорилиги ҳамда ушбу кўрсаткичларнинг республикадаги юқори салмоғи минтақанинг устунлигини акс эттиради. Иқтисодиётда банд кишиларнинг ўртача йиллик қиймати 1289,6 минг нафарни ёки 45%ни ташкил этади [19; 62 б.]. Вилоятнинг пойтахтга яқин жойлашуви ички меҳнат миграциясининг фаоллигига, табиий ва механик ҳаракатнинг ўсишига таъсир кўрсат-

моқда. Вилоят иқтисодиётда банд аҳоли сони бўйича республикада 4-ўринни эгаллайди. 2000–2018 йилларда вилоятда иқтисодиётда банд аҳоли 1,3 мартадан ортиққа ошган [17; 56 б.]. Худудлар бўйича меҳнат ресурсларининг асосий қисми Зангиота, Ўртачирчик, Янгийўл туманлари, Чирчик ва Ангрен шаҳарларига тўғри келади.

Минтақанинг **инвестицион салоҳияти** республиканинг бошқа минтақаларига нисбатан устун ҳисобланади. Турли инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши минтақада инвестиция ҳажмининг юқори суръатларда ўсишига замин яратмоқда. Электрэнергетика, металлургия, озиқ-овқат, кўмир саноати тармоқларига жалб этилаётган инвестициялар ҳисобига барқарор ўсмоқда. Инвестициялар ушбу тармоқларда машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозларига йўналтирилмоқда. Жалб этилаётган ялпи инвестициялар ҳажмининг барқарор ўсиши республикада умумий инвестицияларнинг вилоятдаги улуши барқарор қолишига (ўртача 8%) хизмат қилмоқда. Шунингдек, хорижий инвестицияларнинг ўсиш суръати мамлакат даражасида паст эканлиги республика чет эл инвестициялари ҳажмида вилоят улушининг қисқаришига сабаб бўлмоқда (2000 йилдаги 10,7%дан 2018 йилда 5,6%га) [15; 73 б.]. Аммо инвестицияларнинг саноат тармоғига киритилган улуши юқориликча қолмоқда.

Тошкент вилояти юқори **саноат салоҳиятига** эга. Унинг ҳудудида кўп тармоқли ва юқори ривожланган саноат ташкил этилган. Саноатнинг деярли барча тармоқларини акс эттирувчи, қора ва рангли металлургия, машина қурилиш, кимё, электроэнергетика, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Сўнгги беш йилда вилоятнинг саноат ишлаб чиқариш ҳажми 3,63 марта кўпайган бўлса, республикада бу кўрсаткич 3.56 мартани ташкил этган [23; 16 б.]. Аҳоли жон бошига тўғри келувчи саноат ишлаб чиқариш ҳажми 12160 минг сўмни ташкил этди. Республика бўйича бу кўрсаткич 6944,7 минг сўмга тенг [17; 68 б.]. Демак, вилоятнинг ўртача кўрсаткичи республиканикдан юқоридир.

Сўнгги йилларда вилоят саноати тез суръатларда ривожланиб бормоқда. Вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти (ЯХМ) мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 9,4 фоизини, аҳоли жон бошига эса 13333,4 минг сўмни ташкил этади. Бу кўрсаткич ўртача мамлакат даражасининг 107,8 фоизини ташкил этади. ЯХМ таркибида саноат улуши кўпайиб бормоқда. Унинг ҳиссаси мамлакат ЯИМдаги ҳиссаси кўрсаткичидан (14,3 % га) юқори даражада қолмоқда. Шунингдек, минтақа республи-

ка кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 10,7%ни етиштириб беради. Бу соҳада ҳам минтақада кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Саноат ва кишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар вилоятнинг экспорт салмоғи (11,2 %) жиҳатидан республикада етакчи (иккинчи) ўринни эгаллаш имконини беради [17; 13 б.]. Вилоятнинг пойтахтга яқин жойлашгани уни юқори даромадли худудлар таркибига киритади.

Минтақада ишлаб чиқаришни модернизациялаш, иқтисодий ривожланишда инновацион тараққиёт йўлига ўтиш бўйича бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Инновацияни ҳаётга татбиқ этишнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб саноат мажмуаси ҳисобланади. Ушбу тармоқ илмий техник ишланмаларни ишлаб чиқиб, ҳаётга жорий этиш, техник тараққиётнинг ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳамда саноат мажмуасини бошқаришнинг янгича ёндашувини шакллантириш имконини бермоқда. Йилдан йилга инновацион маҳсулотлар, иш ва хизматлар ишлаб чиқараётган корхоналар сони кўпаймоқда. 2017 йилга келиб инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш 2010 йилга нисбатан 7.5 баробарга ошди [29; 1 б.]. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнг саноатдаги модернизация чора-тадбирларининг кучайишига алоҳида эътибор қаратилди. Шу сабабли, бу даврда саноат тармоқларининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи муҳим конун ва қарорлар қабул қилинди. Бу эса вилоятда саноат соҳасини ишлаб чиқариш суръатлари жадал ошаётган соҳалардан бирига айлантирди. Ҳозирда саноат тармоғининг енгил ва озиқ-овқат, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, кимё, қора ва рангли металлургия тармоқлари жадаллик билан ўсмоқда. Металлургия мажмуаси маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ошиши натижасида бу тармоқларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши кўпайди, товарлар экспорти таркибида эса уларнинг улуши 5%дан 7,4 %га ошди (2018 йил). Тўлов қобилиятига эга бўлган талабнинг ортиши шароитида ички баҳолар даражасининг импорт баҳолар даражасига яқинлашиши озиқ-овқат саноатининг ривожланишида турғун динамиканинг шаклланиши омилларидан бири бўлди. Вилоят саноат ишлаб чиқаришида қурилиш материаллари саноатининг улуши паст даражада сақланиб, 5,3% (2018 й)ни ташкил қилди. Вилоятда саноат тармоғи таркибининг ҳиссаси барқарор қолишига қарамай, тоғ-кон ва очик конларни ишлаб чиқариш 8,0 % га, қайта ишлаш 17,2 % га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш 13,5 % га, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш

ва утилизация қилиш соҳаларида 25,4 % га ўсиши кузатилди [17; 17 б.]. Кўмир, каолин, темир, мис, кўрғошин, литий, шиша каби хомашё конларининг мавжудлиги саноатда қазиб чиқариш ҳиссасининг юқори бўлишига олиб келган. Шунингдек, кўмир саноати қоғоз, резина, шиша ва пластмасса маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятини бермоқда. Тармоқда электрэнергия, ёқилғи, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, рангли металлургия тармоқлари алоҳида аҳамият касб этади. Озиқ-овқат саноати вилоят саноати ишлаб чиқаришининг деярли 20%ни ташкил этади. Вилоят балик, пишлоқ ва сут маҳсулотлари, мева-сабзовот консервалари, спиртли ичимликлар, гўшт ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича республикада алоҳида ўринга эга. Электр энергия тармоғининг саноатдаги ҳиссаси 9,7% атрофида бўлиши, энергетика саноатининг 1,9%дан 9,7%га чиқиши энергетика мустақиллиги таъминлангани ва тармоқда қайта ишлаш салоҳияти кенгайганини кўрсатади. Машинасозлик тармоғини улуши 5,3%дан 9,4%га, металлургия 42%дан 43,9%га чиқиши замонавий корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатаётганини билдиради. Кимё ва нефт кимёси, ёғоч ва қоғоз, қурилиш материаллари саноати тармоқларининг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улушиларида деярли ўзгариш бўлмаган бўлсада, ушбу соҳаларда ҳам иқтисодий ислохотлар амалга оширилган. Ушбу йиллар давомида саноат соҳасидаги юқори ўсиш суръатлари маълум маънода машина қурилиш, металл қайта ишлаш, қора металлургия, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноатида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ҳисоби-га амалга оширилди. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни ошириш натижасида газ, электро-энергия, кўмир, пўлат, цемент, автомобил ишлаб чиқариши ўсди. Маҳаллий саноат корхоналари томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўпайиши натижасида консервланган гўшт, шунингдек, кийим-кечак, цемент, бетон, ёнғинга чидамли ҳимоя воситаларини импорт қилиш сезиларли даражада камайди. Ташқи бозорда қора ва рангли металлларга барқарор талаб ва ички бозорларни миллий маҳсулотлар билан тўлдириш зарурияти, шунингдек, маҳаллийлаштирилган ишлаб чиқаришнинг ривожланиши металлургия мажмуасида эришилган ўсишнинг муҳим омили бўлди. Шунингдек, вилоят тоғ-кон саноати маҳсулотлар бўйича республикада етакчидир. Қибрай тумани ва Ангрен шаҳрида жойлашган гидро ва электр энергия станциялари республика электрэнергетикасини 23,3%ни ташкил этади. Кўмир қазиб олинувчи Ангрен кони эса ушбу хомашёга бўлган талабни тўлиқ қондиради.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши экстенсив омиллари кўпайтириш ҳисобига эмас, балки тизимли бозор иқтисодиёти шароитида ҳар томонлама ўйланган кетма-кет амалга оширилувчи сиёсат, хорижий инвестицияларни жалб этиш, иқтисодиётда чуқур тизимли ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янгилаш, янги экспортга йўналтирилган тармоқлар ва корхоналарни ташкил этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига амалга ошди. Бу ўринда саноат ишлаб чиқаришнинг инновацион ривожланишига алоҳида урғу берилди.

Ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ҳажми бўйича Тошкент вилояти республикада тўртинчи ўринни эгалламоқда (6,4%). 2017 йилда Тошкент вилояти корхоналари томонидан 219 турдаги технологик инновация жорий этилди. Шундан 106 турдагиси кичик корхона ва микрофирмалар томонидан амалга оширилди [29; 5 б.]. Ушбу ўзгаришлар асосан минтақанинг саноат тармоғида кўзга ташланмоқда. Бу эса саноат тармоғининг ЯХМнинг асосий қисмини ташкил этган ҳолда ўсиш тенденциясини сақлаб қолишига сабаб бўлмоқда.

Минтақанинг республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллашида албатта туманларнинг аҳамияти ўринлидир. 15 та туман ҳамда 7 та шаҳар саноат салоҳияти ривожланганлиги нуқтаи назаридан республиканинг бошқа вилоят туманларидан кўра юқори ҳисобланади. Саноат бўйича юқори ўринни эгаллашида Зангиота, Оҳангарон, Чирчик, Бекобод ва Олмалиқ шаҳарларида жойлашган саноат корхоналарининг аҳамияти катта. Ушбу корхоналарда янги техника ва технологиялардан фойдаланилиши меҳнат унумдорлигининг барқарор равишда ўсишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ЯХМ таркибида саноатнинг ҳиссаси 43,1%га етишига сабаб бўлмоқда (қурилиш қўшган ҳолда) [24; 15 б.]. Ушбу салмоқли ҳисса қора металлургия, кимё, целлюлоза-қоғоз, озиқ-овқат, машинасозлик, полиграфия ва ойнасозлик соҳаларининг ривожланиши ҳисобига эришилмоқда.

Минтақа саноати ҳолатини ўрганиш, минтақа ривожланишининг ўзига хос моделини аниқлаш ушбу ҳудуднинг бошқа ҳудудлар билан ўзаро алоқадорлик самарадорлигини таққослаш, фақатгина, ушбу минтақанинг ривожланиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш ҳисобига амалга ошириш мумкин. Минтақавий саноат мажмуасини ривожлантириш хусусиятларини ўрганиш учун, аввало, Тошкент вилоятининг саноат мажмуаси бўйича маълумотлар базасини тизимлаштириш ва ўрганиш зарур. Бу ўринда минтақа саноатида асосий ўринни эгалловчи шаҳарлардан бўлган Олмалиқ, Бекобод, Чирчик ва Бекобод шаҳарлари ҳамда Зангиота ту-

манларига асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Минтақадаги ҳудудларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси турлилиги вилоятда саноат ишлаб чиқаришининг нотекис тақсимланганини кўрсатади. Вилоятнинг учтагина шаҳри бутун ҳудуднинг 56% саноат маҳсулотларини (Олмалиқ, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарлари) ишлаб чиқаради. Ушбу шаҳарларда қишлоқ хўжалиги маҳсу-

лотини ишлаб чиқариш ҳатто 2 %ни ҳам ташкил этмайди. Саноат ишлаб чиқаришида кам ҳиссани ташкил этувчи туманлар эса (Оҳангарон, Бўка, Бекобод, Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Паркент, Пискент) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг салкам ярмини (43,3%) беради. Ҳудудларнинг йиллар давомида минтақа саноати ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси деярли ўзгармаган.

## 1-жадвал

## Минтақа ҳудудларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши [17; 15 б.]

(фоиз ҳисобида)

| Шаҳар ва туманлар | 2000 й. | 2001 й. | 2002 й. | 2003 й. | 2004 й. | 2005 й. | 2006 й. | 2007 й. | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. | 2011 й. | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2000 йилга нисбатан 2018 йилда ўзгариши |
|-------------------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|-----------------------------------------|
| Тошкент           | 100     | 100     | 100     | 100     | 100     | 100     | 100     | 100     | 100     | 100     | 100     | 100     | 100     | 100     | 100     | 100     | 100     | 100     |                                         |
| шаҳарлар:         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |                                         |
| Нурафшон          | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | 1,9     | 1,7     | -                                       |
| Олмалиқ           | 20,8    | 21,6    | 27,3    | 27,8    | 29,0    | 36,0    | 45,5    | 36,2    | 25,2    | 26,7    | 27,1    | 27,6    | 27,6    | 24,23   | 22,9    | 21,9    | 27,8    | 29,4    | 9,4                                     |
| Ангрен            | 14,3    | 13,9    | 9,9     | 9,3     | 7,3     | 6,09    | 5,7     | 5,7     | 7,6     | 6,9     | 6,9     | 8,0     | 8,0     | 8,5     | 3,7     | 10,5    | 7,8     | 5,9     | -8,4                                    |
| Оҳангарон         | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | 4,0     | 3,9     | -                                       |
| Бекобод           | 8,4     | 9,2     | 10,0    | 11,3    | 13,9    | 13,1    | 11,7    | 13,8    | 18,0    | 15,2    | 13,9    | 14,4    | 14,6    | 12,3    | 11,6    | 9,8     | 8,4     | 17,3    | 8,9                                     |
| Чирчиқ            | 9,4     | 9,0     | 8,9     | 9,5     | 12,9    | 13,6    | 9,9     | 10,7    | 13,2    | 12,3    | 11,3    | 9,9     | 9,7     | 8,9     | 8,4     | 7,1     | 8,6     | 8,5     | -0,9                                    |
| Янгийўл           | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | 1,7     | 1,4     | -                                       |
| Туманлар:         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |         |                                         |
| Оққўрғон          | 0,9     | 1,0     | 1,0     | 0,8     | 1,0     | 0,9     | 0,7     | 0,6     | 0,7     | 0,8     | 0,7     | 0,6     | 0,6     | 0,6     | 0,6     | 0,7     | 0,8     | 0,6     | -0,3                                    |
| Оҳангарон         | 6,6     | 6,6     | 6,4     | 5,3     | 4,7     | 5,6     | 5,1     | 6,6     | 5,9     | 5,4     | 4,3     | 4,2     | 4,0     | 6,9     | 7,5     | 9,1     | 0,6     | 0,4     | -6,2                                    |
| Бекобод           | 0,9     | 1,2     | 1,1     | 1,0     | 0,8     | 0,7     | 0,7     | 0,6     | 0,8     | 0,9     | 0,9     | 0,8     | 0,8     | 0,8     | 0,7     | 0,9     | 0,8     | 0,5     | -0,4                                    |
| Бўстонлик         | 4,6     | 4,5     | 3,4     | 3,1     | 3,3     | 2,8     | 2,1     | 2,5     | 3,1     | 3,7     | 3,8     | 4,0     | 3,6     | 2,2     | 2,1     | 1,9     | 4,0     | 4,3     | -0,3                                    |
| Бўка              | 0,6     | 0,5     | 0,8     | 0,9     | 0,8     | 0,8     | 0,6     | 0,6     | 0,8     | 0,8     | 0,7     | 0,7     | 0,7     | 0,6     | 0,6     | 0,8     | 0,7     | 0,5     | -0,1                                    |
| Зангиота          | 6,0     | 4,0     | 5,4     | 5,0     | 3,0     | 3,9     | 3,6     | 4,6     | 5,7     | 7,3     | 7,5     | 7,8     | 9,0     | 13,5    | 14,1    | 11,8    | 9,6     | 8,3     | 2,3                                     |
| Қибрай            | 8,7     | 7,9     | 5,9     | 6,8     | 6,7     | 5,7     | 5,2     | 5,7     | 7,6     | 7,7     | 8,5     | 6,2     | 7,5     | 5,98    | 6,2     | 12,9    | 8,5     | 5,8     | -2,9                                    |
| Қуйичирчиқ        | 0,7     | 0,7     | 0,8     | 0,8     | 0,8     | 0,7     | 0,7     | 0,7     | 0,8     | 0,9     | 0,9     | 0,9     | 0,8     | 0,7     | 0,7     | 0,7     | 0,7     | 0,5     | -0,2                                    |
| Паркент           | 0,4     | 0,6     | 0,6     | 0,5     | 0,4     | 0,3     | 0,2     | 0,2     | 0,2     | 0,6     | 0,8     | 1,1     | 0,9     | 1,1     | 1,0     | 1,1     | 0,9     | 0,7     | 0,3                                     |
| Пискент           | 0,7     | 1,0     | 1,0     | 0,7     | 0,6     | 0,6     | 0,5     | 0,6     | 0,5     | 0,7     | 0,6     | 0,5     | 0,6     | 0,5     | 0,6     | 0,6     | 0,9     | 0,7     | =                                       |
| Ўртачирчиқ        | 7,4     | 8,2     | 9,0     | 9,2     | 7,8     | 3,1     | 2,2     | 4,6     | 4,3     | 3,6     | 5,2     | 1,9     | 1,9     | 1,6     | 1,7     | 1,5     | 1,4     | 0,8     |                                         |
| Чиноз             | 0,6     | 1,1     | 1,6     | 1,6     | 1,4     | 1,0     | 1,1     | 0,9     | 0,1     | 1,0     | 1,1     | 1,2     | 1,2     | 1,2     | 1,1     | 1,2     | 1,3     | 1,0     |                                         |
| Юқоричирчиқ       | 0,7     | 0,8     | 0,8     | 0,8     | 0,8     | 0,8     | 0,8     | 0,9     | 0,9     | 1,1     | 1,2     | 1,5     | 1,5     | 1,5     | 2,0     | 2,7     | 2,9     | 2,2     |                                         |
| Тошкент           | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | -       | 0,4     | 3,2     |                                         |
| Янгийўл           | 8,2     | 8,1     | 6,1     | 5,4     | 4,9     | 4,5     | 3,6     | 4,3     | 4,4     | 4,6     | 4,9     | 4,1     | 3,4     | 4,1     | 4,6     | 4,9     | 2,8     | 2,4     |                                         |

Бу эса вилоят туманларининг маълум бир қисми саноатга, бошқалари эса қишлоқ хўжалигига ихтисослашганини кўрсатади. Минтақа туманларининг саноат ишлаб чиқариши ҳиссасидаги ушбу фарқ меҳнат ресурслари, табиий хом ашё, молиявий имкониятларининг вилоят бўйлаб турли хил ёйилгани билан изоҳланади.

Ушбу ҳудудларнинг фойдали қазилмаларга бойлиги ҳамда саноатга ихтисослашганлиги, меҳнат салоҳиятининг юқорилиги, инвестицияларнинг йўналтирилганлик даражасининг баландлиги бу ҳолатга асосий таъсир қилувчи омиллардандир.

## 2-жадвал

**Тошкент вилояти ҳудудларининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари индекси ҳамда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича рейтинг [17; 18 б.]**

| №    | Рейтинг даражаси | Ҳудудлар сони | Ҳудудлар номи                                                                                                                 |
|------|------------------|---------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1    | Юқори            | 6             | Ангрен шаҳри<br>Олмалиқ шаҳри<br>Бекобод шаҳри<br>Чирчиқ шаҳри<br>Оҳангарон шаҳри<br>Зангиота тумани                          |
| 2    | Юқори ўрта       | 4             | Нурафшон шаҳри<br>Янги йўл шаҳри<br>Қибрай тумани<br>Бўстонлик тумани                                                         |
| 3    | Ўрта             | 5             | Тошкент тумани<br>Янгийўл тумани<br>Чиноз тумани<br>Ўртачирчиқ тумани<br>Юқоричирчиқ тумани                                   |
| 4    | Паст             | 7             | Оққўрғон тумани<br>Оҳангарон тумани<br>Бекобод тумани<br>Бўка тумани<br>Паркент тумани<br>Пискент тумани<br>Қуйичирчиқ тумани |
| Жами |                  | 22 та         |                                                                                                                               |

Демак, вилоятнинг Олмалиқ, Чирчиқ, Оҳангарон, Ангрен ва Бекобод шаҳарлари минтақада мувозанатли ривожланишни таъминловчи муҳим ҳудудлардир. Олмалиқ, Бекобод, Оҳангарон, Чирчиқ, Нурафшон, Ангрен шаҳарлари ва Зангиота туманлари аҳоли жон бошига ишлаб чиқаришнинг 75 фоизини беради [17; 35 б.]. Ушбу ҳудудларнинг вилоят саноат ишлаб чиқаришидаги устунлиги республика даражасида аҳамиятга эга бўлган йирик корхоналарнинг жойлашганлиги, пойтахтга яқинлиги

ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг юқорилигидир. Туманлар кесимида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг йилдан йилга ўсиши минтақада саноат салоҳиятининг ошиб бораётганини кўрсатади. 2000–2018 йиллар давомида Оҳангарон, Нурафшон, Чирчиқ шаҳарларида ҳамда Зангиота ва Қибрай туманларида энг замонавий техник воситалар билан жиҳозланган, экспортга йўналтирилган йирик саноат корхоналарининг очилиши, озиқ-овқат, металлургия, кимё саноати тармоқларидаги сифат ўзгаришлари саноат ишлаб чиқаришининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатган.

Вилоятнинг пойтахтга яқинлиги, қулай географик жойлашув ҳамда салоҳиятга қарамасдан Оҳангарон, Бўка, Бекобод, Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Паркент, Пискент, Ўртачирчиқ ва Чиноз туманларида саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши қуйилигича қолмоқда. Бу ҳудудларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи саноат ҳажми ҳам пастлигича қолмоқда. Ушбу туманлар асосан пахтани қайта ишлаш ва тикувчиликка йўналтирилган.

Минтақада қишлоқ хўжалигининг ривожланганлиги озиқ-овқат, енгил саноатни ривожлантиришга, фойдали қазилма конларининг мавжудлиги эса металлургия, кимё, электрэнергия саноати тармоқларига ихтисослашувига олиб келди. Аммо вилоятнинг учтагина шаҳри (Олмалиқ, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарлари) бутун ҳудуднинг 56% саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариши минтақа бўйлаб саноат ишлаб чиқариши нотекис тақсимланганини кўрсатади. Ушбу шаҳарларда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш эса ҳатто 2 %ни ҳам ташкил этмайди.

Саноат ишлаб чиқаришида кам ҳиссани ташкил этувчи туманлар эса (Оҳангарон, Бўка, Бекобод, Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Паркент, Пискент) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг салкам ярмини (43,3%) беради. Ҳудудларнинг йиллар давомида минтақа саноати ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси деярли ўзгармаган. Бу эса вилоят туманларининг маълум бир қисми саноатга, бошқалари эса қишлоқ хўжалигига ихтисослашганини, йирик саноат корхоналарининг минтақа бўйича нотекис жойлашганини кўрсатади. Минтақа туманларининг саноат ишлаб чиқариши ҳиссасидаги ушбу фарқи меҳнат ресурслари, табиий хом ашё, молиявий имкониятларининг вилоят бўйлаб турли хил ёйилгани билан изоҳланади. Бу ҳолатни ижобий томонга ҳал этиш, туманлар орасидаги катта фарқни қисқартириш учун саноатни инновацион ривожлантириш жараёни ечимлардан бири ҳисобланади.

## Хулоса

Минтақа саноатини инновацион ривожлантириш ҳамда самарали ишлаши учун илмий соҳани

давлат томонидан тартибга солиш принциплари-ни ўзгартириш лозим. Илмий ва инновацион фаолиятда моддий ва ижтимоий ҳолатни яхшилаш ҳамда илмга бўлган харажатларни ошириш муҳим вазифадир. Афзал илмий-технологик йўналишларни молиялаштириш ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш учун инновацион соҳада институционал ўзгаришларни амалга ошириш лозим. Жумладан:

Ривожланишдаги мавжуд номувозанатликни йўқотиш, саноат мажмуасининг янги юқори технологик тармоқ соҳаларини тараққий эттириш бўйича ишларни жадаллаштириш тавсия этилади.

Иқтисодиётда саноат тармоқларининг ривожланиши ўзининг асосий вазифаларидан ташқари, субъект сифатида вилоят фаолияти самарасини, минтақанинг инновацион фаоллиги ва инвестицион жараёнларини фаоллаштиради. Минтақа саноат мажмуасини ривожлантиришнинг йўналишларидан бири бўлган саноатнинг инновацион тармоқлари ҳамда саноат кластерларини яратиш ёки ривожлантириш зарур. Албатта, бунинг учун минтақадаги шарт-шароитларни ҳисобга олиш зарур (моддий техник базанинг мавжудлиги, хомашё ресурслари, маҳсулотга талаб ҳамда технологик заҳиралар).

Минтақанинг саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашув ва маҳаллийлаштириш коэффициентларини ҳисоблаш ҳамда саноат мажмуасининг асосий фаолияти бўйича кластер коэффициентларини ҳисоблаб чиқиш зарур [27; 12 б.].

– янгиликларни ўзлаштиришнинг венчур механизmlарини ишлаб чиқиш;

– янги технологияларни ўзлаштириш ва ИТТКИ соҳасига хусусий капитал қўйилмалар учун ижобий шароитни ташкил этиш;

– минтақаларнинг инновацион салоҳиятини ўрганиш ҳамда улардаги илмий техник ресурсларни фаоллаштириш;

– ИТТКИга ажратилган харажатларнинг тан олинишини саноат корхоналари учун зарур бўлган даврларда ҳисобга олиш;

– ИТТКИларга ажратилган асосий воситалар учун тезлаштирилган солиқ амортизация харажатларини чегириладиган харажатлар таркибига кири-тиш;

– солиқ кредитлари муддатини узайтириш;

– миллий ва халқаро даражада технологик трансфертларни кенг ишлатиш имкониятини шакл-лантириш.

– минтақа даражасида махсус мақсадли да-стурларнинг амалга оширилиши;

– махсус давлат субсидиялари;

– инновацион ривожланишни рағбатланти-ришга йўналтирилган соҳаларда солиқ имтиёзла-рини амалга ошириш;

– технологик, инновацион ва илмий парклар-ни яратиш;

– кичик инновацион бизнес инкубаторларини яратиш;

– давлат тармоқларидан саноатга технологи-яларни йўналтириш бўйича давлат марказларини шакллантириш;

– тадбиркорларни бошқарув фаолияти бўйича маслаҳат бериш марказларини ташкил этиш.

Демак, саноатда инновацион таркибни оши-ришнинг муҳим нуктаси давлат бюджети ҳисоби-га шаклланган илмий техник маҳсулотларни фаол тижоратлаштириш ҳисобланади. Аммо мамлакатда ушбу стратегияни амалга ошириш ҳамда техноло-гик потенциални фаоллаштиришнинг асосий шар-ти интеллектуал мулк ҳимоясининг яхшиланиши-дир. Бу йўналишда ИТТКИ натижаларини давлат тадқиқот марказлари томонидан тижоратлашти-риш, давлат лабораториялари ҳамда хусусий са-ноат корхоналари томонидан ўзаро алоқани риво-жлантириш мақсадга мувофикдир.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Abduvaliyev A.A. Milliy iqtisodiyotda innovatsion klasterlarni shakllantirish va rivojlantirishning nazariy asoslari // Iqtisod va ta'lim. T.2017. №2. B73.
2. Batirova N. S. Theoretical aspects of the innovative development of the region // science and education: problems and innovations. – 2019. – S. 120-124.
3. Glazev, S.Yu. Strategiya operejayushogo razvitiya Rossii v usloviyax globalnogo krizisa. / S.Yu. Glazev. – M.: Ekonomika, 2010. 255 s.
4. Dlinnie volni NTP i sotsialno-ekonomicheskoye razvitiye. – Novosibirsk, 1991. – 224 s.
5. Innovatsion tadbirkorlik: rivojlanish muammolari va xorij tajribasi. Abdullayev R.V. tahriri ostida. Toshkent: Yangi asr avlodi, 2017. – 150 b.
6. Isadjanov, Abduvali (2018) “THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS: PRIORITY DIRECTIONS AND ACTUAL TASKS,” The Light Of Islam: vol.2018: iss.1, article 20. available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiav/vol2018/iss1/20>
7. Ksenofont. Domostroy // Vospominaniya o Sokrate. M.: Nauka, 1993.
8. Kondrateva Ye.V. Natsionalnaya innovatsionnaya sistema: teoreticheskaya konsepsiya. URL: <http://www.schumpeter.ru/article.php?book=concept&id=8>.
9. Matveyeva T.V. Povisheniye konkurentosposobnosti promishlennix predpriyatiya na osnove innovatsionnoy deyatel'nosti. Uchebnoye posobiye Yekaterinburg: Izdatel'stvo Ural. universiteta, 2018. — 152 s.
10. Razzoqov A., Toshmatov SH., O'rmonov N. Iqtisodiy ta'limotlar tarixi. Toshkent, «Moliya» nashriyoti, 2002 yil. – b.-18.
11. Santo B. Innovatsiya kak sredstvo ekonomicheskogo razvitiya / Obsh. red. B.V.Sazonova. – M.: Progress, 1990. – 296 s.

12. Strategicheskie orientiri ekonomicheskogo razvitiya Rossii/R.S.Grinberg, A.Ya.Rubinshteyn, L.I.Abalkin, S.Yu. Glazev, V.L.Makarov. –SPb.: Aletyya, 2010.-664 s.
13. Sergeyev V.M., Alekseyenkova Ye.S. V.D.Nechayev. Tipologiya modeley innovatsionnogo razvitiya. // Politika. M.:2008. №4. – 6-22 s.
14. Sadiqova, Ra'no (2018) "FOREIGN PRACTICE OF FORMING COMPETITIVE ENVIRONMENT IN SMALL BUSINESS," The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 21. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/21>
15. Sotsialno ekonomicheskoe polojenie respubliki Uzbekistana za 2017 god. Pod redaktsii Begalova B.A. Tashkent 2018 god. 200 str.
16. Tatarkin, A.I. Promishlennaya politika: genezis, regionalnie osobennosti i zakonodatelnoe obespechenie/ A.I.Tatarkin, O.A.Romanova//Ekonomika regiona.-2014. -№2.-S.9
17. Toshkent viloyatining statistik axborotnomasi. Toshkent viloyati statistik boshqarmasi. 2018-yil yanvar-dekabr. Toshkent-2019. 114 bet.
18. Tviss B. Upravleniye nauchno-texnicheskimi novovvedeniyami. – M.: Ekonomika, 1989. – 217 s.
19. Uzbekistan v sifrax. Statisticheskii sbornik. Sektor texnicheskoy podderjki rasprostraneniya statisticheskix materialov Gosudarstvennogo komiteta Respubliki Uzbekistan po statistike. Tashkent 2018 g. 247 bet.
20. Shumpeter Y. Teoriya ekonomicheskogo razvitiya. Kapitalizm, sotsializm i demokratiya. M: Eksmo, 2007. - 864 s.
21. O'zbekiston: jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, innovatsion taraqqiyot va milliy iqtisodiyot raqobatbardoshligini oshirish. / A.F.Rasulev tahriri ostida. O'zR FA Iqtisodiyot instituti. 2011. – 127-b.
22. O'zbekiston respublikasining ijtimoiy-iqtisodiy holati. O'zR Davlat statistika qo'mitasi raisi iqtisodiyot fanlari doktori, professor B.A.Begalovning umumiy tahriri ostida. 2018-yil yanvar-dekabr. Toshkent-2019 y. 333 bet.
23. O'zbekiston sanoati 2018. Statistik to'plam. O'zR Davlat statistika qo'mitasi. Toshkent 2018. 152 bet.
24. O'zbekiston hududlarining yillik statistic to'plami/ statistik to'plam. O'zR Davlat statistika qo'mitasi. Toshkent -2018. 256 b.
25. Qodirov A.M. va b. Milliy iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini oshirish. / Monografiya. Toshkent, IQTISODIYOT – 2013. – 123-b.
26. G'ulomova G.P. Innovatsiya faoliyatini moliyalashtirish tizimini takomillashtirish. Banklarning moliyaviy barqarorligi va resurslari yetarligini xalqaro me'yorlar va standartlar talablari asosida baholash va boshqarish. Xalqaro ilmiy-amaliy konf. TMI. Xalqaro konferensiya materiallari. Toshkent, 2016. B.30.
27. G'ulomova G.P. Kichik biznes innovatsiya faoliyatini qo'llab-quvvatlash tizimining institutsional shart-sharoitlari. TIU Ilmiy-tahliliy axborot. 2017 y. 2-son.
28. <https://stat.uz/uploads/docs/investitsiya-yan-dek-2017uz1.pdf>
29. <https://stat.uz/uploads/docs/innovatsiya-2017-uz.pdf>
30. [https://www.researchgate.net/publication/324912702\\_Consumption\\_Towards\\_Environmentally\\_Friendly\\_Consumer\\_Behaviour\\_The\\_Case\\_Of\\_Plastic\\_Bags/citation/download](https://www.researchgate.net/publication/324912702_Consumption_Towards_Environmentally_Friendly_Consumer_Behaviour_The_Case_Of_Plastic_Bags/citation/download)